



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 10 июнь, № 117 (9012)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## СЛОВАКИЯ – ЕВРОПА ИТТИФОҚИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ НАВБАТДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.



9 июнь куни Кўксарой қароргоҳида Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицони расмий кутиб олиш маросими бўлди. Қароргоҳ олдидаги майдонда фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб, шохсупага таклиф этди. Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Словакия давлат мадҳиялари янгради. Етакчилар фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини қўтладилар. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Қайд этиш лозим, Ўзбекистон ташқи сиёсати стратегиясининг фаоллашуви ва Европа Иттифоқининг Марказий Осиёга қизиқиши ортиб бораётгани фонида расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги муносабатлар янгича суръат олди. Турли соҳаларда ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари ушбу ташриф кўп қиррали Ўзбекистон — Словакия муносабатлари тарихида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб беришини алоҳида таъкидлади. Ҳамкорлик барча йўналишда жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан

қайд этилди. Ташқи ишлар вазирликлари даражасида конструктив сиёсий мулоқотлар йўлга қўйилди, ишбилармонлик ва гуманитар алмашинувлар фаоллашди. Товар айирбошлаш ҳўртиб бормоқда. Май ойида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши самарали ўтказилди. Кооперациянинг қатор янги йўналишлари ва лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Замонавий таҳдидлар ва олдиндан айтиб бўлмайдиган халқаро вазиятни ҳисобга олиб, ташқи сиёсий идоралар, шу жумладан, Европа на институти билан шериқлик доирасида тизимли ҳамкорлик қилиш, мувофиқлаштириш ва қўллаб-қувватлаш муҳимлиги қайд этилди. Товар айирбошлашнинг кўпайтириш, энг аввало,

ўзаро етказиб берилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистондан тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, электротехника, кимё маҳсулотлари, полимерлар, Словакиядан эса қуруқ, автомобиль қисмлари, фармацевтика ва бошқа саноат товарларини етказиб бериш шулар жумласидан. Техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳаларида имзолагандиган битимларни амалга ошириш доирасида техник тўсиқларни бартараф этиш ва квант эталони лабораториясини ишга тушириш муҳимлиги қайд этилди. Словакиянинг етакчи компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича кенг қўллаш дастурини тайёрлаш, жумладан, агросаноат маж-

муи, автомобиллар учун бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш, «яшил» энергетика ва туризм лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди. Рақамли ечимларни жорий этиш ва стартап инвестициялар соҳасида катта имкониятлар мавжуд. Шу маънода, IT стартапларини акселерация қилиш бўйича қўшма венчур фондини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун мавжуд молиявий воситалардан кенг фойдаланиш таклиф этилди. Гуманитар соҳада таълим ва академик алмашинувни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани тасдиқланди. Қўшма тадқиқот дастурларини, шу жумладан, Братиславадаги Коменский университети иштирокида йўлга қўйиш юзасидан келишувга эришилди. Томонлар ўзаро кўрғазмалар, кино намоишлари, концертлар, шунингдек, музей иши соҳасидаги лойиҳаларни ўтказишни назарда тутувчи Маданият соҳасида ҳамкорлик дастурини қабул қилишга келишиб олдилар. Ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Словакия томони ушбу соҳада тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор экани таъкидланди. Халқаро аҳамиятга молик масалалар, жумладан, кўп томонлама майдонларда ўзаро қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қабул қилинган қарор ва келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида икки мамлакат ҳукуматлари томонидан кенг қамровли «Йўл харитаси» қабул қилиниши ҳақида келишиб олинди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси

Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицо Стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Етакчилар ҳузурида икки томонлама ҳужжатлар, хусусан: — дипломатик кадрлар тайёрлаш тўғрисида; — қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида; — стандартлаштириш, метрология ва товарларнинг мувофиқлигини баҳолаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида; — энергетика бозорларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар; — 2025-2026 йилларга мўлжалланган ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури; — 2025-2026 йилларга мўлжалланган стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик дастури алмашилди. Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицо Фахрий меҳмонлар ҳиёбонида биргаликда давракт экидилар. Маросим икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро англашув мустаҳкамланиб бораётгани, Ўзбекистон — Словакия муносабатлари ривожига янги — стратегик шериклик босқичи бошланганининг рамзи бўлди. Шу кун олий мартабали меҳмон «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Маъмура билан қисқача танишув асосида Словакия делегацияси вакиллариға мазкур ансамбль мазмуни ва меъморий ечимлари ҳақида маълумот берилди. Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган БРИКС Янги тараққиёт банки президенти Дилма Русефни қабул қилди.

Ушбу кўп томонлама молиявий институт билан амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Ўтган йил октябрь ойидаги БРИКС саммити доирасида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, банкнинг Бошқарувчилар кенгаши томонидан Ўзбекистон Янги тараққиёт банкига аъзо бўлишиға принципал розилик берилди. Умумий қиймати 5 миллиард долларлик биринчи навбатдаги қўшма лойиҳалар дастури шакллантирилди. Давлатимиз раҳбари ирригация тизимларини модернизация қилиш, тоғ-кон саноатини ривожлантириш, хусусий секторни молиялаштириш, таълим ва инфратузилма соҳаларида давлат-хусусий шериклини илгари сурш каби устувор йўналишларда лойиҳаларни тез фурсатда тайёрлаш ва амалга ошириш муҳимлигини таъкидлади. Шунингдек, йирик минтақавий инфратузилма лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР БИРГАЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тошкент халқаро инвестиция форуми арафасида Америка Қўшма Штатларининг етакчи компаниялари делегацияси билан учрашув ўтказди.

Учрашувда АҚШ Давлат котиби ёрдмчиси Эрик Мейер, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэм, Халқаро тараққиёт молия корпорацияси вице-президенти Брез Бетани, шунингдек, «Boeing», «FLS», «Visa», «NASDAQ», «Air Products», «Franklin Templeton», «Morgan Stanley», «Coca-Cola» ва бошқа кўплаб корпорациялар раҳбарлари иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ушбу учрашув Америка бизнесида Ўзбекистондаги фаолиятни кенгайтиришга қизиқиш ортиб бораётганидан далолат эканини катта мамнуният билан қайд этди. Инвестицион ва инновацион ҳамкорлик истиқболларига, стратегик аҳамиятга эга материалларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар, транспорт ва энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳаларда аниқ лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди. АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарлари инвесторларнинг самарали фаолиятиға яратилаётган қулай шароитлар учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, ўзларининг аниқ таклиф ва режаларини баён қилди.

ЎЗА.

## БОЛГАРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Румен Радев 9 июнь кунин расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент шаҳри халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди. Ташрифнинг асосий тадбирлари 10 июнь кунин бўлиб ўтади. Ташриф дастуриға мувофиқ икки мамлакат етакчиларининг музокаралари, расмий ва ишбилармонлик тадбирлари ўтказилиши, қатор икки томонлама битимлар имзоланиши режалаштирилган. Ўзбекистон ва Болгария Президентлари ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш, шу жумладан, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, агросаноат мажмуи, фармацевтика тармоғи, қончилик, рақамлаштириш соҳаларида кооперацияни йўлга қўйиш, туризм ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш масалаларини кўриб чиқадилар. Болгария Президенти IV Тошкент халқаро инвестиция форумида ҳам иштирок этади.

И. АВВАЛБОВ,  
ЎЗА мухбири.

Ифтихор

## МАТОНАТ МАЙДОНИДА

Ўзбек футболчиларининг тарихий ғалабасига бағишланади

Сирожиiddин САЙИИД,  
Ўзбекистон халқ шоири,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бу ғалаба тегишлидир тарихлар, асрларга, Ҳам бугунги авлодлар, ҳам келажақ наслларга. Бир миллатнинг уч минг йиллик шашти унда мужассам, Бу Ғалаба муҳташамдир, бу Ғалаба — муаззам.

Етти ёшдан етмишгача — кўрди бор ёшу қари, Ўттиз саккиз миллэнли эл бир бўлиб кўрди бари. Ойбалдоқли келинчақлар, қизғалдоқлар кўрдилар, Бешиқларда минг-минг уйғоқ чақалоқлар кўрдилар.

Амирликлар диёрида ўзбекларнинг байрами, Минг йилларга қурбонлиқдир бу байрамнинг ҳар дами. Шундай олий лаҳзаларда халқ қудратга айлангай, Ўттиз саккиз миллэн юрак бир миллатга айлангай.

Она халқим, бор кечмишинг — синов, имтиҳонларинг: Эгатларда қолиб кетди не-не чемпионларинг.

Мен футболчи бўлолмадим, Вакт бўлди ҳакамим, Футболкамда қолиб кетди ўн биринчи рақамим.

Бу Ғалаба осмонлардан шундоқ тушиб келмади, Элнинг орзу-армонлари, заҳмати бу, меҳнати. Хайр, Абу Даби, хуш қол! Сенга ҳам "Гуд бай", Дубай! Она юртим, тупроғингга сажда айлаб, бир ўпай!

Футбол эмас, асли Ватан дарвозаси эрур бу, Уни бутун сақламоқлик шараф эрур, гурур бу. Қанча зуғум ўтказмасин рақиблир исканжаси, Шербаччанинг панжасидай — Ўтқирбекнинг панжаси.

Миллэн-миллэн элдошларинг қўллаб турди гулдурос: Аббос, фақат олдга босгил! Фақат олға бос, Аббос! Шижоату шиддатида Бойчибор, Фиротни кўр, Бу майдонда Алпомишдай Элдор Шомуродни кўр.

Манов ўғлон Абдуқодир — Қодирийлар наслидан. Отабекдир бунинг исми, насли маълум аслидан.

Фирром дунё, кўзёшларин кўр Темур Кападзени, Босимларинг бир қалқитди ҳаргиз, касофат сени.

Эзгулик ва ёвузликнинг азал ҳарбу зарбисан, Ёки ёддан чиқардингми Темур бобо зарбасин? Кўриб турдим мен, илк бора қоматларинг дол қолдинг, Ўн бир қаламқош боламнинг қаршисида лол қолдинг.

Дилларида — она Ватан ори, ота макони, Бу жасорат майдонидир, бу матонат майдони. Ўйламангким йўлингизда бир хавф, яъни Қатар бор, Ҳали қанча босим, яна қанча хавфу хатар бор.

Ер шарини бир коптоқдай топширмоқчи бўлганлар, Коптоқ қилиб бир-бирига оширмоқчи бўлганлар, Билармисиз, ким не экса, ҳосил ҳам шундоқ бўлур? Чин Ғалаба бундоқ бўлур, Ғалаба бундоқ бўлур.

Янги Ўзбекистон бугун — олам ҳаёлларидир, Бу Ўйғониш замонининг жонбахш шамолларидир.

Ўн бир ўзбек боласи бу — қошу кўздек боласи, Кўш қитъани бир қалқитди ўн бир ўзбек боласи.

Кўзинг қаросинингму бу, ё қошларинг "ё"си ё? Бу сенинг ҳам Ғалабандир, эй Марказий Осиё! Томоғимдан ўтмас сизсиз дамлаган байрам ошим, Қирғиз, қозоқ, туркман, тожик, қўллаб турдинг, қардошим!

Бу йўлда биз бирга чекдик қанча ранжу заҳматлар, Бизга доим дўст, хайрихоҳ ФИФАга ҳам раҳматлар. Бир миллатнинг уч минг йиллик шашти шунда мужассам: Бу Ғалаба муҳташамдир, бу Ғалаба — муаззам!

Миллат учун жонин тиккан зотлар токи ўртангай — Она Ватан, ота макон шарафларга буркангай. Шундай улуг зафарларда Ўзинг қўлла, ё Раббий, Миллат ўзи Раҳнамодир. Раҳнамо — Бош мураббий!

Абу Даби. 2025 йил, 5 июнь.



## Миллатга қайтарилган ғолиблик, мардлик, жасурлик, дахлдорлик туйғулари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоллига табригини ўқиб гоятда таъсирландим. Айниқса, самимий кутловнинг “Қадрли фарзандларим!”, деб бошланиши эътиборимни ўзига тортиди.

Уша кунларда нафақат ватандошларимиз, балки дунё нигоҳи Ўзбекистон футболчиларига қаратилди.

### Муносабат

Мамлакатимиз раҳбари ҳақли равишда таъкидлаганидек: **“Аминман, бу тарихий ютук халқимизни эзгу максадлар йўлида янада бирлаштиради, минг-минглаб ёшларимиз учун илҳом манбаига, ибрат тимсолига айланади, Янги Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади”**.

Миллат бирлашса — куч, ўзини англа-са — қудрат, тарихини билса — мағрур, Ватанини таниган авлодлар пайдо бўлади. Бу ҳақиқатни 17 ёшида Ватан шарафини ҳимоя қилган, Осиёда тенгсиз-лигини намён этган фарзандларимиз-нинг жасорати ҳам тасдиқлаган эди. Улар юксак соврин — Осиё кубогини кўлга киритганида қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди, бошимиз кўкка эди.

**Бу Янги Ўзбекистон Мемори — Шавкат Мирзиёев томонидан эъзозланган, тарбияланган нихолларнинг илк тотли меваси эди. Бу авлодни қайтаридиган куч, йўлга чиқади-ган мард бутун Осиёда топилмади. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 17 ёшли фарзандлари Осиёда тенгсиз эканликларини намойиш қилди.**

Уша кунларда хаёлимдан бир фикр ўтди: бундай жасоратга, матонатга фақат Ватанини таниганлар эга бўлади.

**17 ёшида Ватанини таниш бахти-га муяссар бўлган болаларга ҳавасим келди.**

Ўзбекистонда бугун Ватан туйғуси-ни англаб етган авлодлар шаклланоқ-да, тарбияланоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар гал уларга “фар-зандим”, деб муножаат қилади.

**Президентдан «фарзандим» бўли-ни эшитиш энг катта бахт бўлса керак.**

Миллатни бир мақсад йўлида бир-лаштириш улкан машаққат.

**Президентимиз миллатга айнан мана шу туйғунини англатди. Бу ғалаба-лар — Президент ғалабалари.**

“Париж — 2024” Олимпиадасида Ўзбекистон эришган ютуқлар ўзининг салмоғи, мавқеи билан рекорд дара-жага етганди.

Тўртинчи тан олиш керакки, биз йиллар давомида миллат, мамлакат манфаати нима эканини англамадик, бу туйғулардан анча узоқда эдик. Узоқ-лаштирилгандик.

**Президент халқ билан биргалик-**



**да қувонса — мўъжиза содир бўлар-кан. Халқ ўз ортида Президент тур-ганлигини билиши, англиши жуда юксак туйғу экан. Бугун Президент халқимизга мана шу туйғуларни бера олди. Бутун халқни бир мак-сад йўлида бирлаштирилди.**

Фикримча, спортдаги барча ғалаба-лар замирида мана шу ҳақиқат мужас-самлашган.

Ғалаба устига ғалаба, ютук ортидан ютук...

Халқ ғалаба нашидаси нима экан-лигини англаб етди. Шахсан Президент бу ғалабаларни кенг нишонлаётгани, халқ билан бирга қувонаётгани спорт-чиларимиз кучига куч қўшмоқда.

Олимпиадада илк олтин медални кўлга киритган Дияра Келдиёрованын онаси Дилором Шарипова шундай ёзда: **“Қизим Дияра Келдиёрова «Париж — 2024» Олимпиадаси ол-тин медалини кўлга киритди. Диё-рани ғалаба билан биринчи бўлиб Президентимиз Шавкат Мирзиёев**

**табриклади. Юрт отаси тунги вақт бўлишига қарамасдан қизимнинг финал учрашувини кўриб, муборақ-бод этди.**

**Президентимиз Дияра билан фарзандим, қизим деб гаплашгани-да, «Ота-онангни менинг номимдан табрикла» деганида кўзимга ёш келди.**

**Она учун бундан ортиқ бахт борми?!**

**Қизимнинг ютуғидан бир қувон-ган бўлсам, Президентимиз ғамхўрлигидан минг қувондим. Бошим осмонга етди.**

**Президентимиз билан фахрла-наман...”**

Спорт ғалабалари халқнинг руҳини кўтаради. Халқда курашувчанлик, мил-лий гурур, ёвқурилик, жасорат, матонат туйғуларини уйғотади. Ҳеч бир соҳа миллатни, мамлакатни спортчилик тез танитмайди.

2016 йилдан бошлаб спорт соҳа-сида Ўзбекистон эришган ютуқлар бар-чани, ҳатто халқаро экспертларни ҳам ҳайратга солмоқда.

Президентнинг спортга қизиқиши, спортчини қадрлаши, тренер ва устоз-мураббийларни ардоқлаши, рағбатлан-тириши жуда катта ютуқларга сабаб бўлди.

Миллатда ғолиблик туйғуси пайдо бўлди. Мана шу мақсад барчани ўз ат-рофида жамлади.

**Бугун Ўзбекистон спорт соҳа-си-да нафақат Марказий Осиё ёки бу-тун Осиёда, балки жаҳонда ўз сўзи-**

**ни айтаяпти. Бунга тарихан жуда қисқа — 9 йилда эришилди.**

Президентдан намуна олган халқ спортчиларни яқдиллик билан кўллаб-қувватламоқда, уларни юрт қаҳрамон-лари деб эълон қилмоқда, бошига кўтармоқда, фахрланмоқда.

**Жаҳон ареналарида Ўзбекистон номи янграмоқда. Ўзбекистон бай-роғи кўтарилмоқда. Ўзбекистон мадҳияси таралмоқда. Бу жаҳон спортига шу пайтгача маълум бўлмаган янги рух, янги куч, тоза қон, Янги Ўзбекистон кириб келган-лигини кўрсатади, англатади.**

Яқинда қирғизистонлик депутатнинг сўзларини эшитиб қолдим: **“Ўзбеки-стонда кейинги 10 йилда шунчалик кўп спорт иншоотлари қурилдики, бугун Ўзбекистон жуда кўплаб халқаро спорт мусобақаларига мезбонлик қиломоқда. Ўзбекистонлик спортчилар жаҳон аре-наларида биринчиликини кўлдан бер-масдан ҳисобсиз медалларни кўлга ки-ритмоқдалар...”**

Бу эътироф замирида Президенти-мизнинг машаққатли меҳнатлари, эътибор ва ғамхўрликлари бор.

2026 йилда АҚШ, Мексика ва Кана-да давлатларида бўлиб ўтадиган жа-ҳон чемпионатида футбол бўйича Ўзбе-кистон миллий терма жамоаси бутун Марказий Осиё минтақасининг бирин-чи ва ягона вакили бўлишдек юксак шарафга муяссар бўлди.

Ўзбекистон футболни ўзининг I аср-дан ортиқ тарихи давомида бундай мартабага биринчи марта эришди.

**Халқимиз қувончининг чегараси йўқ. Бу биз кутган ғалаба эди. Бу бизга ўзини куттирган ғалаба эди. Бу бизни соғинтирган ғалаба эди. Биз бу ғалабага Президентимизнинг ишончи, эътибори, меҳри туйфайли эришдик.**

Умуммақсад нима? Умумқудрат-чи, умумшодлик, умумбахт-чи?

Миллат дастлаб мустабид тузум да-ри ва мустақилликнинг чорак асрида биргаликда курашишдан, ҳамфикр бўлишдан маҳрум қилинган эди. Ҳатто биргаликда қувониш нима эканини ҳам унутиб қўйгандик.

**“Нақадар бахтсиздир, нақадар гўлдир ягона кўшиги бўлмаган халқлар...”**

Ўзбек шоирларидан бири Шавкат Раҳмоннинг ушбу сатрларида олам-олам маъно жумассам.

Нафақат ягона кўшиги, балки ягона мақсади бўлмаган халқ ҳам ғолиб бўлмайди. Курашларда енголмайди. Умумқувонч туйғусидан бебаҳра ўтади.

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси эришган ютукнинг сал-моғи билади. Энди миллиардлаб фут-бол ишқибозлари нигоҳида Ўзбекистон намён бўлади, гавдаланади. Ўзбекнинг шон-шўхрати янада юксалади. Олга, Ўзбекистон!

**Рустам ХОЛМУРОДОВ, Самарқанд давлат университети ректори, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Маҳлиси Сенати аъзоси.**

## ЎЗБЕКИСТОН – АҚШ БИЗНЕС ФОРУМИ

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказилган Ўзбекистон — АҚШ бизнес форумида иштирок этди.

### Тадбир

Тадбир Ўзбекистон Инвестициялар, са-ноат ва савдо вазирлиги томонидан “Аме-рика — Ўзбекистон” савдо палатаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

Унда икки мамлакат ишбилармонлари ва давлат идораларининг 150 дан ортиқ вакил-лари, жумладан, саноат, рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги, энергетика, молия ва соғлиқ-ни сақлаш каби муҳим тармоқларнинг 100 га яқин етакчи компаниялари иштирок этди.

Форум дастуридан Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти тақдироти, шунингдек, “G2B” форматидagi икки томонлама учрашув-лар ўрин олди. Иштирокчилар савдо-иқти-содий алоқаларни кенгайтириш, кўшма

лойиҳаларни амалга ошириш ва институ-ционал ҳамкорликни чуқурлаштириш истик-болларини муҳокама қилди.

Содиқ Сафоев форумда сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оши-рилаётган кенг кўламли ислохотлар жа-миятнинг янгилинишига хизмат қилаётгани-ни, мамлакатимиз ҳар томонлама сиёсий ва иқтисодий модернизация қилишга қаратил-ган кенг кўламли ўзгаришлар йўлидан да-дил бораётганини таъкидлади.

Умуман, ушбу бизнес форуми икки мам-лакат ўртасидаги стратегик шериклиқни яна-да мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон АҚШнинг Марказий Осиё-даги ишончли иқтисодий ва сармоявий ҳам-кори эканини яна бир бор тасдиқлади.

«Халқ сўзи».

## ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ САМИМИЙ МУНОСАБАТНИНГ ЁРҚИН КЎРИНИШИ

Янги Ўзбекистон дунё харитасида ўз ўрнини юқори поғоналарга кўтариб нафақат ички ислохотлар, балки ташқи сиёсатда ҳам янги босқичларга ўтмоқда. Биз гувоҳ бўлаётган жараёнлар — мамлакатимиз ташқи муносабатларидаги фаоллашув, янгича ташаббус ва чуқур ҳамкорлик моделлари Ўзбекистоннинг глобал саҳнадаги ролини мустаҳкамляпти. Бу фақат давлатлар ўртасидаги алоқалар эмас, халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва дўстликни кучайтириш йўлидаги ҳаракатдир.

### Акс садо

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиё-сатда тамоман янги ёндашувни намён эт-моқда — у мулоқотга очик, манфаатли ҳам-корликка интилувчи ва тинчликпарвар сиё-сатга асосланган. Шу боис бугун Ўзбеки-стон фақат минтақавий эмас, балки глобал микёсда ҳам ишончли ва барқарор шерик сифатида эътироф этилмоқда.

Куни кеча Словакия Республикаси Бош вазири Роберт Фицонинг мамлакатимизга расмий ташрифи ана шу амалий ҳамкор-ликнинг яна бир муҳим ва раъзий босқичи бўлди. Бу ташриф нафақат расмий кели-шувлар, балки халқлар ўртасидаги самимий муносабатнинг ёрқин кўриниши бўлди, де-сак, янгилашмайми. Янги Ўзбекистон боғи-даги Мустақиллик монументига гул қўйиш маросими, маданий алмашинув ва тарихий рамзларга ҳурмат — бу юксак эътибор ва эҳтиром тимсоли.

Словакия делегацияси билан ўтказилган музокаралар давомида иқтисодий, саноат, таълим ва маданият соҳаларида бир қатор муҳим келишувларга эришилди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистондаги қатор Словакия иштирокидаги корхона, инвести-цион лойиҳалар ва таълим соҳасидаги ал-машинувлар икки давлат ўртасидаги муно-сабатларни янада чуқурлаштирмоқда. Сўнгги ўн йил ичида ўзаро савдо айланмиси 4 ба-рбарбара ошгани бу муносабатларнинг фа-қат дипломатик эмас, балки иқтисодий асо-сларга ҳам таъмин бораётганини кўрсатади. Янги имзоланган келишувлар эса бу кўрсат-кични янада оширишга хизмат қилади.

Словакия — Европанинг замонавий индустриал марказларидан бири сифатида, айниқса, автомобилсозликда (автомобиль ва авиация саноати) етакчи давлатлардан ҳисобланади. Унинг бу соҳадаги юқори те-хнологик ютуқлари ва ишлаб чиқариш сало-ҳияти Ўзбекистон учун улкан имкониятлар эшигини очади.

**Гулҳебра ТОЖИБОЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Евроосиёда прагматизм, ўзаро манфаатдорлик ва реал ҳаракатларга асосланган таъйинлар шаклланоқда

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицонинг 9 июнь кунини Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтган музокаралари хорижий экспертлар ҳамжамияти томонидан икки томонлама муносабатлардаги муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда.

Экспертларнинг таъкидига кўра мазкур ташриф расмий Тошкент ва Братислава ўртасидаги ҳамкорлиқнинг янги босқичини бошлаш учун кенг имкониятлар очади. Ташриф, шунингдек, анъанавий форматлардан ташқарига чиқди ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий, таълим ва

технологик каби истиқболли йўналишларни қамраб олди. Кузатувчилар Словакия каби давлатлар билан мулоқот фаоллашгани Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқаларини диверсификация қилиш борасидаги изчил сиёсатида далолат эканини таъкидламоқда. Ўзгарувчан халқаро муҳит шароитида Ўзбекистон Европа давлатлари билан кўп векторли ҳамкорлиқни йўлга қўймоқда, янги бозорларда ўз иштирокини кенгайтириш, замонавий технологияларни жалб этиш ҳамда ишончли ва очик шерик сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга интиломоқда.

### Дунё нигоҳи

**Антонио АЛОНСО, Сан-Пабло университети Ижтимоий тадқиқотлар институти профессори, Марказий Осиё минтақаси бўйича эксперт (Испания):**

— 9 июнь кунини Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словакия Бош вазири Роберт Фицонинг ўртасида бўлиб ўтган музока-ралар икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ман-фаатли ва кўп қиррали шериклиқни ривожланти-риш йўлидаги муҳим қадамдир.

Энг аввало, эришилган келишувларнинг стра-тегик теранлигини таъкидлаш жоиз. Ҳамкорлик формати ҳақиқий амалий салоҳиятга эга аниқ со-ҳаларни қамраб олади. Иқтисодий ва энергетик-кадан тортиб маданият ҳамда академик алмаш-и-нувларгача бўлган йўналишларга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда.

Академик нуктаи назардан, таълим ва илмий мулоқотни кенгайтиришга эътибор қаратишни муҳим деб биламан. Братиславадаги Коменский университети иштирокида қўшма тадқиқот дас-турларини йўлга қўйиш ҳақидаги келишув шунча-ки рамзий ишора эмас, балки илмий ҳамкорлик учун янги уфқларни очадиган стратегик қадам-дир. Ўзаро ҳамкорлиқнинг бундай формати уни-верситетларни халқаролаштиришга, тадқиқот ва-колатларини мустаҳкамлашга ва қўшма таълим стандартларини шакллантиришга ёрдам бериши мумкин.

Айниқса, IT стартапларни кўллаб-қувватлаш учун венчур фондини яратиш ташаббуси го-ят аҳамиятлидир. Бу иқтисодийнинг замонавий ра-қамли трансформацияси мангитига тўғри келади ва амалий технологиялар ва инновациялар соҳа-сида ишлаётган ёш тадбиркорлар ва тадқиқот гуруҳлари учун ҳам қизиқиш уйғотади.

Ишончим комилки, ушбу ташриф нафақат Ўзе-кистон ва Словакия ўртасидаги стратегик шерик-лик, балки халқаро ҳамкорликка ёндашувларни сифат жиҳатдан янгилаш, янада мазмунли қилиш, мақсадли ва натижага йўналтирилган муносаба-тларга асос қўлади.

**Хикмет ЭПЕН, «EkoAvrasya» Евроосиё иқтисодий алоқалар жамғармаси бошқаруви раиси (Туркия):**

— Ташриф ва олий даражадаги музокаралар нафақат расмий Тошкент ва Братиславанинг икки томонлама кун тартиби, балки бутун Евроосиё учун муҳим воқеа бўлди. Зеро, очкилик, барқа-рор ривожланиш ва халқаро ҳамкорлик йўлидан



ишонч билан бораёт-ган Ўзбекистон ЕИ давлатлари учун му-ҳим ҳамкор хисобла-нади.

Глобал муаммо-лар, бекарорлик ва иқтисодий ўзгариш-лар фондида Ўзбеки-стон — Словакия му-носабатларининг янги босқичи шаклланаётгани ўз вақтида ва узоқ-ни кўзлаган қадам бўлиб, сиёсий етуқлик ҳамда стратегик тафаккурни тасдиқлайди.

Ўзбекистон кучли Евроосиё ишлаб чиқариш ва логистика маконини барпо этишга катта аҳамият қаратади. Хусусан, Словакия компаниялари иш-тирокида қўшма саноат кооперацияси дастури-ни яратиш ташаббуси Шарқ ва Фарб ўртасидаги барқарор иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Таълим алмашинуви, қўшма илмий дастурлар-нинг йўлга қўйилгани, Ўзбекистон ва Словакия ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш-га алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам таҳсинга сазовор.

Туркия экспертлар ҳамжамияти бу қадамлар-ни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг диверсификацияларро мулоқотни ривожлантириш, халқларни яқинлаштириш ва ўзаро ҳамжиҳатлик-ни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси сифатида кўрмоқда.

**Рой Энтони РОЖЕРС, Малая университети халқаро ва стратегик тадқиқотлар кафедраси профессори (Малайзия):**

— Ташриф Шарқий Европа давлатларининг Марказий Осиёнинг жа-дал ислоҳ қилинаётган бозорига қизиқиши ор-тиб бораётганининг кўрсаткичи сифатида ба-ҳолашни керак.

Куала-Лумпур нуктаи назаридан бу Тошкент анъанавий ҳамкорлар “периметридан ташқарига” чиқиш ва Европа Иттифоқидаги иқтисодий ва сиёсий алоқаларни диверсификация қилишга эришаётганининг яққол тасдиғидир. Масалан, “Бош вазир ташрифи + ин-вестиция форуми” формати бир вақтинг ўзида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тизимли ра-вишда илгари сурилаётган хусусийлаштириш ва инвестиция дастурини сиёсий кўллаб-қувватлаш-дан манфаатдорлиқни намойиш этади.

Савдо-инвестиция блоқи, қишлоқ хўжалиги те-хнологиялари, машинасозлик ва “яшил” энергия бўйича музокараларда Словакиянинг эътибори Ўзбекистоннинг жадал саноатлаштириш ва “яшил”

бурилиш бўйича йўналишига, шунингдек, ушбу мамлакатнинг янги савдо бозорлари ва хомашё диверсификациясига бўлган эътиҳега табиий равишда мос келади.

Яна бир янги йўналиш — уюшган меҳнат миг-рацияси. Словакиядаги ишчи кучи етишмовчили-ги Тошкентга ЕИга малакали кадрларни жўнатиш, бунинг эвазига валютадан тушган тушумлар ва технологик ўқишти бўйича миллий дастурларни илгари суриш имконини беради.

Бош вазир Роберт Фицонинг IV Тошкент халқ-аро инвестиция форумидаги иштироки имкони-ятларни кенгайтиради. Шунингдек, имзоланади-ган салмоқли битимлар ва “йўл хариталари” Сло-вакияни ўзбек бизнеси учун Вишegrad тўртлиги ёки кенгрок айтганда, ЕИ бозорларига кириш учун муҳим дарвозага айлантиради.

**Тазин АХТАР, «Pakistan in the world» газетаси бош муҳаррири (Покистон):**

— Тошкентдаги музока-ралар чоғида томонлар умумий ниятлардан узоқ муддатли ҳамкорлик архи-тектурасини барпо этишга ўтгани алоҳида эътиборга молик. Гап кенг кўламли Саноат кооперацияси дас-турини тайёрлаш, квант стандарти лабораторияси-ни ишга тушириш, IT стар-таплари бўйича қўшма венчур фондини яратиш ва имзоланган келишувларни амалга ошириш бўйича “Йўл харита”сини келишиш ҳақида бор-моқда.

Словакия Ўзбекистонни нафақат экспорт бо-зори, балки бутун Евроосиё қитъасига чиқиш им-кониятига эга ишлаб чиқариш маркази сифатида кўриб, етук ёндашувни намойиш этаётир. Бу, айниқса, таъминот занжирларини қайта қўриб қиқши ва глобал бекарорлик фондида жуда дол-зарбдир.

Ташриф, шунингдек, гуманитар йўл “қаттиқ” кун тартибини мустаҳкамлашга қандай хизмат қили-ши мумкинлигини кўрсатди. Академик алмаш-и-нувлар тўғрисидаги келишувлар, Словакия уни-верситетлари иштирокида илмий тадқиқот дас-турларини йўлга қўйиш, маданий лойиҳалар ва уюшган меҳнат миграцияси бўйича муҳокамалар барқарор ҳамда ўзаро ҳурматга асосланган му-лоқот учун шароит яратади.

Роберт Фицонинг ташрифи нафақат Ўзбеки-стон — Словакия муносабатлари контекстида му-ҳим аҳамиятга эга, балки кенгрок тенденция — Евроосиёда прагматизм, ўзаро манфаатдор-лик ва реал ҳаракатларга тайёрлик асосидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг янги уфқларини шакл-лантириш рамзи.

«Дунё» АА.



# САМАРАЛИ ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР ВА ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

## Сиёсий партиялар фракцияларида

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида масъулиятни чекланган жамиятлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат масъулиятни чекланган жамиятларнинг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши, уларни бошқариш соҳасидаги муносабатларни ҳамда иштирокчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳада жамият нафақат лицензия, балки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар ва хабардор қилиш тартибидида фаолият турлари билан шугулланиши мумкинлиги, шунингдек, жамиятларнинг филиал ва ваколатхоналарини очиб тартиблари белгиланмоқда.

Жамиятнинг аффилиланган шахслари, улар билан битимлар тузиш, ушбу битимлар бўйича низоларни ҳал этиш ҳамда жамият кузатув кенгаши аъзолари ва жамият бошқаруви органларининг фуқароларига жавобгарлигига оид янги ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топапти.



Муҳокама давомида қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракция аъзолари берган тақлифлар эътиборга олинди, ҳужжат матнида акс этирилгани ва у маромига етказилгани алоҳида қайд этилди.

Фракция аъзолари Дилмурод Артиқов, Сайдулло Азимов ва бошқалар қонун лойиҳасининг айрим моддаларида назарда тутилган нормалар бўйича қонун ташаббускорларини саволларга тўтди. Улар эса қўтарилган саволлар юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди.

Депутатлар қонун лойиҳаси жамият иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, жамият фаолиятида замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий этишга хизмат қилишини инобатга олиб, уни қўллаб-қувватлади.

Йиғилишда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда махсусотларни ўз ихтиёри билан қақариб олган тадбиркорларга енгиллик беришга қаратилган қонун лойиҳаси бўлди.

У билан Фуқаролик кодексига, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Стандартиштириш тўғрисида”ги ва “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонуларга тегишлинча мувофиқликни баҳолаш органларининг масъулиятини оширишга ҳамда техник регламентлар талабларига жавоб бермайдиган махсусотни қақариб олган тад-

биркорлик субъектларини рағбатлантиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартаришлар киритилмоқда.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида фракция аъзоси Мухсинжон Холмухамедов ўз нуктаи назарини билдириб, мазкур ҳужжат истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза этиш, сифатсиз махсусотларни бозордан чиқариш жараёнида тадбиркорлар иштирокини рағбатлантириш орқали самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси инсон учун хавфли бўлган юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, унда 90 кундан ортиқ муддатда чет элда бўлиб қайтган Ўзбекистон фуқароларини ҳамда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мамлакатимизга келган

шаббускорлар депутат Шерзод Қўлматовнинг нима учун 90 кун белгиланаётгани масаласига изоҳ бераркан, бу юқумли касаллик инсон организмда 90 кундан сўнг ўзини намоён қилишини қайд этди. Энг асосийси, чет элдан қайтган фуқаро агар ўзининг, оиласининг соғлигини ўйласа, тезда тиббий кўриқдан ўтиши лозимлигига ургу берилди.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида ҳакамлик судлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат иш-тироқларида корхоналар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-

## Зухриддин МАВЛОНОВ, «Адолат» СДП фракцияси аъзоси:

— Суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чораларини янада кучайтиришга оид қонун лойиҳасида назарда тутилган нормалар судьялар мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини олишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

риш органлари ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланмоқда.

Ҳакамлик судлари томонидан ер билан боғлиқ, бино-иншоотларга эғалик ҳуқуқини белгилаш ҳамда бюджетдан пул ундириш билан боғлиқ низолар ҳал этилмаслигини қатъий белгилаш, бюджет интизомини мустаҳкамлаш, масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш назарда тутилган.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсияларини билдириб, унда назарда тутилган айрим нормалар бўйича саволлар берди. Қонун ташаббускорлари саволлар юзасидан батафсил тушунтириш бериб, мазкур ҳужжат ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил қилишининг қонуний асосларини мустаҳкамлашга қаратилганини қайд этди.

Йиғилишда суднинг мустақиллиги ва судьялар дахлсизлигини таъминлаш чораларини янада кучайтиришга оид қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди.

Унда суд биносида судга ҳурматсизлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари, шу-

## Ноиба ИНОЯТОВА, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси:

— Инсон соғлиги учун хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси жараёнларида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш бугунги кунда долзарб масала. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бу бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмларни шакллантиришга қаратилган.

нингдек, суд ишларини ҳал этишга аралашгани учун жавобгарлик чораларини аниқлаштириш назарда тутилган. Яъни суд ишларини ҳал этишга аралашини, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона кўриб чиқишга тўқсинлик қилиш ёки гайриқонуний ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судья ёки маслаҳатчисига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Зухриддин Мавлонов, Шухрат Ёқубов ва бошқалар қонун лойиҳасида назарда тутилган нор-



малар партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга ўй-гун ва ҳамоҳанг эканини қайд этиб, ушбу ҳужжат судьялар мустақиллиги кафолатларини янада кучайтириш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини

олишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар диққат марказида бўлди.

Қонун лойиҳасида таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган шахсларни ҳимоя қилиш, уларга сифатли ва тезкор ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини мустаҳкамлаш кўзда тутилган. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексига таъйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган хотин-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича суд томонидан кўриб чиқиладиган ишларда мажбурий тартибда прокурорнинг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ қўшимчалар киритилмоқда.

Шунингдек, таъйиқ ва зўравонликдан жабрланган, бирламчи кўмак хоналарига ёки Ижтимоий

химоя миллий агентлиги ҳузуридаги Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳудудий марказларига жойлаштирилган хотин-қизлар учун банк картасини тиклаш соддалаштирилган.

Лойиҳанинг химояга қаратилган мақсади ЎзХДПнинг дастурий вазифаларига мос келиши қайд этилиб, баъзи аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Ушбу саволларга мутасаддилар томонидан батафсил жавоблар берилди. Шундан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Фракция аъзолари “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартаришлар киритиш

тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқий кафолатлар, меҳнат муҳофазаси ва ишчиларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган нормалар назарда тутилган.

Депутат Дилбар Мамажонов қонун лойиҳасида иш вақтидан ташқари меҳнатнинг чегараланган миқдори, қўшимча меҳнат учун ҳақ тўлаш миқдорлари бўйича кўтарилган саволларга иккинчи ўқишга қандай ойдинлик киритилганини сўради.

Масъуллар нормаларнинг ишчи-ходимлар манфаатлари, қонуний ҳақ-ҳуқуқларига зид эмаслигини ҳуқуқий асослаб берганидан сўнг фракция аъзолари томонидан лойиҳа қўллаб-қувватланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси** йиғилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, жумладан, аҳоли орасида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш борасида қонунчилик асослари босқичма-босқич такомиллаштириб боришмоқда.

Қонун лойиҳаси билан “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқариладиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги, “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги, “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги ҳамда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги қонунларга қатор ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф қилинмоқда.

Лойиҳага кўра узлуксиз 90 кун ва ундан ортиқ муддат давомида чет элда бўлиб қайтган мамлакатимиз фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқаролари бўлмаган шахслар ОИВга мажбурий тиббий текширувдан ўтказилиши белгиланмоқда.

Фракция аъзоси Ноиба Иноятова қонун лойиҳаси инсон соғлиги учун хавф туғдирувчи юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнат миграцияси жараёнларида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш бўйича таъсирчан ҳуқуқий механизмларни шакллантириш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида фуқаролар ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлади.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан тақлиф-тавсиялар берилиб, лойиҳа қўллаб-қувватланди.

«Халқ сўзи».

## Қабул — 2025

# Билимлар синовдан ўтадиган онлар яқин

Ота-боболаримиз “Агар инсон илм нури билан ўз йўлини ёритмаса, зулмат ва нодонлик кўчасида қолади”, дея бежиз таъкидламаган. Зеро, илм жамият эртаси, миллат тақдири ва авлодларнинг фаровон ҳаётини белгилаб берувчи асосий омилдир.

Маълумки, юртимизда сўнгги йилларда олий таълимга эътибор қаратилиб, соҳада кўплаб ўзгаришлар амалга оширилган. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан имзоланаётган тегишли Фармон ва қарорлар ушбу тизимдаги барча йўналишни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни кунларда ҳам мамлакатимиздаги олий таълим даргоҳларида ўқиш, билим олиш ва салоҳиятини оширишни ният қилган навқирон авлод вакиллари учун ҳаяжонли дамлар бошланди. 5 июнь санасидан олий таълим муассасаларида 2025/2026 ўқув йили учун имтиҳонларда қатнашадиган абитуриентлар рўйхатга олинмоқда.

— Маълумки, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб давлат олий ҳамда профессионал таълим муассасаларига (касб-хунар мактаби бундан мустасно) қабул қилиш бўйича имтиҳонлар “аввал тест, сўнг танлов” тамойилига мувофиқ бир вақтда ўтказилиши белгиланган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигининг Тест синовларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиги Бобур Юсупов. — Жорий ўқув йилига қабулда ҳам шу жараён давом этади. Умуман олганда, ёш авлодга ўқиш, ўрганишлари учун кенг имкониятлар яратилиш, замонавий ва сифатли таълим бериш, имтиҳонларни сифатли ва шаффоф ҳолда ташкиллаштириш орқали Ватанимиз раванқини янада ривожлантиришни мақсад қилганмиз ва бу йўлда собитқадам бўламиз.

Маълумотларга кўра 2025/2026 ўқув йилида абитуриентлар ўз танлови бўйича тест синовни натижасида тўплаган балидан келиб чиқиб дастлаб олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишини, сўнг профессионал ўқув муассасаларига кириш учун танловда иштирок этади.

Давлат олий таълим муассасалари бакалавриятига қабул жараёни икки босқичда амалга оширилиб, биринчи босқичда абитуриентлар ҳар йили 5 июндан 25 июнга қадар (25 июнь кунга ҳам) тест синовни топшириш учун рўйхатдан ўтади. Фақат тест синовига қатнашса — фанлар мажмуаси, таълим тили ва тест топшириш ҳудудини танлайди.

Абитуриентлар алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларида ўқиш истагини билдирган тақдирда касбий ё ижодий имтиҳон топширади ва бунда таълим тили, тест топшириш ҳудуди, алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналиши ҳамда касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган давлат олий таълим муассасаси танланади.

Иккинчи босқичда эса абитуриентлар тест синовлари тўлиқ яқунланганидан сўнг 15 кун давомида олий таълим муассасаси, бакалаврият таълим йўналиши, таълим шакли ва танлов устуворлигини танлашлари керак бўлади.

Абитуриентнинг тест синовига тўплаган баллари имтиҳон ўтказилган куннинг эртасига, унинг талабалика тавсия этилгани ёки этилмагани бўйича танлов натижаси қабул жараёнининг иккинчи босқичи тўлиқ яқунлангандан кейин бир ҳафта муддатда агентликнинг расмий веб-сайтига жойланади.

— Олий таълим муассасасида ўқиш энг катта орзуларимдан биридир, — дейди абитуриент Гулзода Расул қизи. — Албатта, бунинг учун истакнинг ўзи қамқилишини яхши биламан ва ҳаракатдан тўхтамайман. Ўтган йиллар давомида ҳам мактабда, ҳам мустақил ўқиб, изланиб билимларини мустаҳкамладим. Насиб этса бу йил, албатта, талаба бўлам.

Техникумларда ўқиш истагини билдирган абитуриентлар ҳам “аввал тест, сўнг танлов” тамойилига мувофиқ олий таълим муассасаларига қабулнинг яқуний натижаси эълон қилингандан сўнг 10 кун муддатда ҳужжат топширишлари мумкин. Бунда улар техникум, касб ва мутахассислик ҳамда таълим шаклини танлашлари керак бўлади.

Техникумларнинг ҳам яқуний танлов натижаси бир ҳафта муддатда агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

Жорий йилнинг янгилликларидан бири — 2025/2026 ўқув йили қабулдан бошлаб фанлар мажмуасида чет тили биринчи фан сифатида белгиланган таълим йўналишларига қабул хорижий тили билан даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат асосида амалга оширилади.

Ўқишга қабул қилиш бўйича кириш имтиҳонлари июль — август ойларида ўтказилади.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ («Халқ сўзи»).



# ЖАҲОНДА ТЕНГСИЗ СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИНДИ

Хабарингиз бор, Туркиянинг Бурса шаҳрида бўлиб ўтган кўл жанги бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 32 мамлакатдан ташриф буюрган 300 нафардан ортиқ спортчилар қатнашди.

## Шукух

Биз учун қувонарлиси, Ўзбекистон терма жамоаси мазкур нуфузли турнирда 8 та олтин, 3 тадан кумуш ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Грециянинг Лутраки шаҳрида ўтказилган VIII “Бутунжаҳон спорт ўйинлари — 2025” доирасидаги кўл жанги мусобақаларида ҳам 15 та давлат терма жамоалари ўзаро беллашди.

Қизгин ҳамда мurosасиз кечган мусобақада мамлакатимиз вакиллари 13 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Шунингдек, турнир давомида 5 нафар халқаро тоифадаги ҳакамимиз баҳсларни муваффақиятли бошқарди.

Кўни кеча Исмоил Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида ушбу икки йirik халқаро мусобақаларда муваффақиятли қат-

нашган Ўзбекистон терма жамоаси тантанали кутиб олинди.

Ушбу маросимда тегишли федерация, вазирлик ва идоралар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, спортчи ҳамда мураббийларнинг ота-оналари, ёшлар иштирок этди.

Дарвоқе, Бутунжаҳон спорт ўйинлари ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. 2023 йилги мусобақа Италияда бўлиб, унда кўл жанги беллашувлари дастурга киритилганди. Уша мусобақада ҳам Ўзбекистон миллий терма жамоаси 30 дан ортиқ давлатлар вакиллари орасида 7 та олтин ва 1 та кумуш медалга эга чиққан ҳолда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритган.

«Халқ сўзи».



Марказий Осиёнинг жадал ривожланаётган сармоявий маркази сифатида Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Сўнгги йилларда иқтисодиёти-мизни эркинлаштириш, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш бўйича катта ислохотлар амалга оширилди. Мамлакатимизга бу давр ичида 90 млрд. доллардан кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада фақат ўтган йилнинг ўзida ялли ички маҳсулот 6 фоизга ошди.



Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган ва инвестициялар учун очiq мамлакат сифатида халқаро ҳамжамият эътиборини тобора кўпроқ жалб этаётир. Мазкур жараёнда муҳим роль ўйнайдиган асосий платформалардан бири Тошкент халқаро инвестиция форумидир.

Шу йилнинг 10 — 12 июнь кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтадиган IV Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакат иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшигини очиши кутилмоқда.

Форум нафақат инвестицияларни жалб қилиш, балки Ўзбекистонни халқаро бизнес ҳамжамиятига танитиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш ва иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятини намойиш этиш учун ҳам муҳим майдондир.

## Ўзбекистон иқтисодиёти учун янги имкониятлар эшиги

## ИНВЕСТИЦИЯ — РИВОЖЛАНИШНИНГ ИШОНЧЛИ НЕГИЗИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланганидек, 2030 йилга бориб Ўзбекистоннинг ялли ички маҳсулоти 200 млрд. долларга етиши кутилмоқда. Бунда хорижий инвестициялар муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Тошкент халқаро инвестиция форуми мамлакатимиз учун муҳим платформа бўлиб, инвесторлар билан ҳамкорликни кучайтириш ва Ўзбекистоннинг инвестициялар учун жозибador мамлакат сифатидаги имижини тарғиб қилишда муҳим роль ўйнайди. Форумнинг кун тартиби мавзулари жаҳон иқтисодиётидаги кичик ва ўрта бизнес ривож, саноат кластерлари, электрон тижорат, шахарсозлик, “яшил” энергетика, сунъий интеллект каби энг долзарб масалаларни қамраб олган.

Сўнгги уч йилда ўтказилган форумлар орқали умумий қиймати 44 млрд. долларлик 357 та инвестициявий келишув имзоланган бўлиб, уларнинг 57 таси тўлиқ амалга оширилди, 263 таси бўйича қурилиш ва лойиҳалаштириш ишлари олиб боришмоқда. Лойиҳаларнинг энг катта қисми Саудия Арабистонига тўғри келади. Бу мамлакат билан жами 10,7 млрд. долларлик битимлар имзоланган. Кейинги ўринлардан Хитой, Россия, БАА, Туркия, Германия, Франция ва бошқа давлатлар жой олган.

Бу йилги халқаро иқтисодий анжуманнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унинг доирасида илк бор инвестиция кўргазмиси ташкил қилинади. Унда йирик маҳаллий хусусий компаниялар халқаро инвесторларга ўз салоҳиятларини намойиш этиш имконига эга бўлади, маҳаллий хусусий сектор учун халқаро бозорга чиқиш ва технология ҳамкорлик ўрнатиш имконияти яратилади.

Шунингдек, форум доирасида яна бир муҳим анжуман — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялли мажлиси бўлиб ўтиши кутилмоқда. Мажлисида етакчи халқаро компаниялар ва йирик халқаро молия институтлари раҳбарлари иштирок этади. Учрашувда ҳукумат ҳамда хорижий инвесторлар иштирокида мамлакатдаги инвестиция муҳитини яхшилаш истикболлари ва Ўзбекистоннинг инвестицион жозибadorлигини оширишга қаратилган янги ташаббуслар муҳокама марказида бўлади.

Шу ўринда институционал асослар ва ҳуқуқий кафолатларга эътибор қаратсак. Зеро, сармоядорлар учун энг муҳим омиллардан бири ҳуқуқий кафолатлар ва мулк муҳофазасидир. Ўзбекистонда инвестиция фаолияти “Инвестициялар тўғрисида”ги Қонун ва халқаро



арбитраж механизмлари билан таъминланган. Шу билан бирга, 2019 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Хорижий инвесторлар кенгаши сиёсий ва иқтисодий элита билан сармоядорлар ўртасида тизимли мулоқот имконини яратди. Мазкур кенгашнинг 3-пленаи йигилиши айнан Халқаро инвестиция форуми доирасида ўтказилиши кутилмоқда.

Иқтисодий ўсишнинг энг муҳим жиҳатлари демография ва инсон капитали муносабатлари бўлиб, улар ўсиш драйверлари ҳисобланади. Айнан инсон капиталига эга бўлиш ва ундан самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг дунё микёсидаги ўрнини белгилаб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини 30 ёшга бўлганлар ташкил қилади. Бу меҳнат бозорига доимий ўсишни таъминлайдиган асосий омилдир. Таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, “STEM” соҳаларига эътибор кучайиши мамлакатни рақобатбардош кадрлар билан таъминлашда диққатга сазовордир.

Бундан ташқари, энергетика ва табиий ресурслар узоқ мuddатли истикболли соҳалар бўлиб, уран, олтин, табиий газ, мис ва бошқа стратегик ресурслар захираси Ўзбекистонни бой мамлакат сифатида намоеъ этади. Ҳукумат мазкур соҳаларга хорижий сармояларни жалб этиш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Умумий таҳлил шуни кўрсатадики, Ўзбекистон инвестиция муҳитини яхшилашга доимий интилиши, иқтисодий ислохотларнинг изчиллиги ва халқаро шерикликка очиклик орқали минтақавий сармоя маркази сифатида намоеъ бўлимоқда. Демак, Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат шартномалар имзоланадиган тадбир, балки Ўзбекистоннинг келгуси иқтисодий йўналишларини белгилаб берадиган воқелик сифатида ҳам аҳамиятлидир.

**Жамила БОБОНАЗАРОВА,**  
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таъқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.**

Биринчидан, хорижий инвесторлар учун Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш имкониятларини ўрганиш, янги лойиҳаларни муҳокама қилиш ва алоқалар ўрнатиш учун қулай платформа яратати.

Иккинчидан, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш нуктаи назаридан аҳамиятлидир. Жалб этилган инвестициялар янги иш ўринлари яратиш, инфратузилмани ривожлантириш, технологияларни трансфер қилиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Учинчидан, форум халқаро молия институтлари, ҳукуматлар, бизнес вакиллари ва экспертлар ўртасидаги мулоқотни кучайтиради, ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тўртинчидан, Ўзбекистоннинг таъқи майдондаги имижини яхшилаиди. Форум Ўзбекистонни замонавий, очик ва инвестициялар учун қулай мамлакат сифатида тақдим этади, бу эса халқаро майдонда мамлакат имижини яхшилашга хизмат қилади. Бунинг исботи ўлароқ, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётига 90 млрд. доллардан ортқ хорижий инвестициялар жалб қилинган, бу эса ўтган йили миллий ялли ички маҳсулотнинг 6 фоизга ўсишига ёрдам берди. Белгиланган режалар амалга ошадиган бўлса, 2030 йилга бориб Ўзбекистон иқтисодиёти 200 млрд. долларга етади ва бу жараёнда хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим роль ўйнайди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги фаровон Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий стратегик устувор йўналишларидан бири сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи алоҳида ўрин эгалламоқдаки, бунда Ўзбекистон етакчисининг интеграциялашган иқтисодий сиёсати, диверсификацияланган ишлаб чиқариш йўналишлари, давлат кафолатлари, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши, солиқ имтиёзлари ва сармоя учун қулай муҳит яратиш борасидаги қатъий сиёсати натижада республика Марказий Осиёдаги энг жозибador инвестиция манзилларидан бирига айланди.

Бюджет тақчиллигини камайтириш, ички банк секторини ривожлантириш, давлатга қарашли корхоналарнинг шартли мажбуриятларини камайтириш, хусусий секторнинг фаол ролини ошириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, техник таълимни кучайтириш, олий таълим ва саноат ўртасидаги тафовутни қисқартириш, билимга асосланган иқтисодиётни яратишда қатъий давом этиш, иқтисодий институтларни мустаҳкамлаш ва бошқалар янги Ўзбекистонда фаровон жамият қуриш мақсадларига эришишда

муҳим омил ҳисобланади.

Демак, инвесторлар билан ҳамкорлик ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигини тарғиб қилиш учун асосий платформалардан бири — Тошкент халқаро инвестиция форуми ҳисобланади.

Унинг аҳамияти натижалар билан тасдиқланади: 2024 йилда бўлиб ўтган учинчи форумда дунёнинг 93 мамлакатидан 2,5 мингдан ортқ иштирокчилар йиғилди ва имзоланган келишувлар микдори рекорд даражага — 26,6 млрд. долларга етди. Умуман олганда, форумнинг уч йиллик фаолияти давомида умумий қиймати 44 млрд. доллар бўлган 357 та инвестиция шартномаси имзоланди. Улардан 57 таси аллақачон амалга оширилган, яна 263 таси қурилиш ва лойиҳалаштириш босқичида. Энг кўп инвестиция лойиҳалари Саудия Арабистони ҳиссасига тўғри келади, бу мамлакат билан тузилган келишувлар ҳажми 10,7 млрд. долларга етди. Хитой (7 млрд.), Россия (5,5 млрд.), БАА (4,6 млрд.), Туркия (3,6 млрд.), Германия (3,4 млрд.), Франция (2 млрд.) ва бошқа бир қатор давлатлардан ҳам сезиларли инвестициялар киритилди.

### Илк маротаба инвестиция кўргазмиси

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми алоҳида аҳамиятга эга. Чунки унинг доирасида биринчи марта инвестиция кўргазмиси бўлиб ўтади. Етакчи хусусий компаниялар ўз лойиҳаларини тақдим этади, Ўзбекистон корхоналари эса ўз маҳсулотлари ва салоҳиятини халқаро инвесторларга намойиш этиш имкониятига эга бўлади.

Форум дастури панель муҳокамалари, стратегик музокаралар ва ишбилармонлик учрашувларини ўз ичига олади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, саноат ишлаб чиқариши, автомобилсозлик, машинасозлик ва электротехника саноати масалалари асосий мавзуси сифатида эълон қилинган. Сув ресурсларини бошқариш, инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимояси, финтех, электрон тижорат, “яшил” энергетика, хусусийлаштириш ва инвестиция ислохотлари, шунингдек, шахарсозлик ва рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

11 июнь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг ялли мажлиси марказий воқеалардан бири бўлади. Унда дунёнинг энг йирик компаниялари ва халқаро молия институтлари раҳбарлари иштирок этади. Мажлис давомида ҳукумат ҳамда инвесторлар ўртасида очик мулоқот режалоштирилган бўлиб, унда

инвестиция муҳитини яхшилаш истикболлари, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш чоралари ва мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга қаратилган аниқ ташаббуслар муҳокама қилинади.

Форумда халқаро молия ташкилотлари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, етакчи корпорациялар ва инвестиция фондларининг топ-менеджерлари, шунингдек, барқарор ривожланиш, инновациялар ва рақамли трансформация соҳасидаги экспертларнинг 3 мингдан ортқ вакиллари иштирок этаётгани Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли инвестициявий лойиҳаларнинг шафдофлиги ва мазкур йўналишда бюрократик йўллардан қочиётгани эса хорижий инвесторларга мамлакатда бизнес қилиш истигини ошираётгани бор гап. Бугун дунёда ўзаро ишонч йўқолган бир пайтда сармояларни жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун уларга маъқул келадиган ислохотларни ўтказиш керак. Ўзбекистон бу йўлда жиддий қадамлар ташлади.

### Биринчи форумдан кейинги уч йил

Биринчи форумдан кейинги ўтган уч йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотлар давом эттирилди.

Жумладан, минтақамиздаги энг қулай фискал тизимни яратиш бўйича катта қадамлар ташланди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилинган, солиқ ва божхонада қўлдан ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга энгиллик берди. Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил мuddатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Мухими, солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Инвестор учун мамлакатнинг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш, унинг имкониятларини ҳисобга олиш муҳим масала салинади. Бугунги кунда Ўзбекистонда қулай инвестиция муҳитини мунтазам равишда яхшилаб боришни таъминлаш устувор вазифадир.

Бунда давлатнинг асосий функцияси капитал жалб қилиш



учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибadorлигини ошириш билан изоҳланади. Хорижий инвестицияларнинг миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик ҳар қандай давлатнинг ўз инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишини талаб этади. Бу сиёсат хорижий инвестицияларнинг ўзига хос йўналишини, уларни жалб этилишини рағбатлантириш тизимини аниқлаб беради ва инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция, бу — иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз. Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратди. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоеъ этиш чораларини кўриш кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири.

Ривожланган мамлакатларда тўпланган бой тажрибалар, қабул қилинган қарорлар ва чора-тадбирларнинг тўб моҳиятини ўрганиш, ютқ ҳамда камчиликларини илмий жиҳатдан танқидий таҳлил қилиш миллий иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун ҳар томонлама дастак вазифасини ўтади.

Бинобарин, халқаро майдонда мавжуд бўлган бой тажрибалар, замонавий тенденциялар йилдан-йилга тақомиллашиб, ўзгариб бормоқда. Хусусан, инвестицияларни жалб этиш, уларни экспорт ва импорт қилиш, инвесторларнинг манфаатларини ҳимоялаш, инвестицион фаолият ва рақобатбардошликни ошириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласига кириди. Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатлар

да йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

### Натижалар барчамиз учун муҳим

Ўзбекистонда қулай инвестиция иқлими яратилиши учун кенг ҳаракат қилинаётир. Бу борада хорижий инвесторларга турлича молиявий имтиёзлар ва ҳуқуқлар берилган, бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда. Бу ҳақда сўз кетганда, даставвал мамлакатни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини, сўнгра Тараққиёт стратегиясини қабул қилиб, унинг доирасида кенг кўламли демократик ислохотларни амалга ошириш йўли танланганини таъкидламоқчимиз.

Халқаро инвестиция форумининг жозибали аҳамияти шундаки, янги инвестиция лойиҳаларини тақдим қилишга йўл очади. Форумда Ўзбекистоннинг саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилма ва туризм соҳаларидаги янги инвестиция лойиҳалари тақдим этилади. Ҳукумат вакиллари, маҳаллий бизнес вакиллари ва хорижий инвесторлар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш, савол-жавоблар алмашиш ва ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилиш учун шароит яратди. Форум инвестиция муҳитини яхшилаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳуқуқий ҳимояни қўлайлаштириш ва инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш бўйича қатъий қарарлар ишлаб чиқишга қаратилган.

Албатта, форум ўтказишдан кутилмадан натижалар барчамиз учун муҳим. Янги инвестиция шартномаларининг имзоланиши, янги лойиҳаларнинг бошланиши, иш ўринларининг яратилиши, инфратузилмани ривожлантиришга қўшимча маблағларнинг жалб қилиниши, Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибadorлигининг ошиши, халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши шулар жумласидандир.

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим воқеа бўлиб, мамлакатнинг ривожланиши, инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Форум мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини намойиш этиш, инвесторлар билан мулоқот ўрнатиш ҳамда инвестиция муҳитини яхшилаш учун муҳим платформа бўлади.

**Нодир ЖУМАЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси,**  
**иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.**

РЕКЛАМА

## ЗАМОНАВИЙ ОРОМГОҲ — БОЛАЖОНЛАР ИХТИЁРИДА

Сирдарё туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан барпо этилган “Сирдарё” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилди.

### Ўзги таътил — 2025

Унинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар эътироф этганидек, мазкур оромгоҳ ёзги таътил даврида болажонларнинг мароқли дам олиши, бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим ўрин тутати. 200 ўринга мўлжалланган мажмуа Сирдарё соҳилида жойлашган

бўлиб, худуднинг энг сўлим ва замонавий масканига айланди. Оромгоҳ директори Улуғбек Тўрақулвнинг айтишича, бу оромгоҳ ўғил-қизларимизни нафақат мароқли дам олдириш ва жисмонан чиниктириш, балки уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривож-

лантириш, ўзлари қизиққан йўналишлар бўйича билим ҳамда кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Ушбу масканда “Маданият ва маърифат маркази”, китоблар захирасига бой Ахборот-ресурс маркази, энг сўнгги русумдаги кўргазмалар воситалар ва жиҳозлар билан таъминланган тўғарак хоналари, турли тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган амфитеатр мавжуд. Махсус иситиш тизимига эга бўлган сузиш ҳавзаси, болалар майдонча-

лари, замонавий лойиҳалар асосида қурилган ётоқхона бинолари, ошхона, ювиниш хоналари ҳам ҳавас қилса арзигулик даражада кўркам ҳамда шинам. Қолаверса, келувчи ота-оналар учун мулоқот айвончалари ҳам барпо этилган.

“Сирдарё” оромгоҳида жорий йил мавсумида минг нафардан зиёд ўғил-қизларнинг мароқли дам олиши белгиланган.

**Аҳмодали ШЕРНАЗАРОВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

## Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида «Ўзархив» агентлиги томонидан «Электрон архив» илмий-ўқув лабораторияси очилди.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 13 107 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетани ҳақидати маълумотларини юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

Тахриратта келган кўлазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахрират компьютер марказида терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
**100066,**  
**Тошкент шаҳри,**  
**Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.**  
**Навбатчи муҳаррир — С. Маамиров.**  
**Мусахҳиҳ — С. Исломов.**

**“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:**  
**Буюк Турон кўчаси, 41.      ўЗА якуни — 01.10      Топширилди — 01.15      1 2 3 4 5 6**